Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши

28 ИЮЛЬ, 1969 й.

ДУШАНБА

№ 174 (938).

БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ШАҲРИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

Енгил саноатчилар Ватанимиз пойтахти Москвада сентябрь ойида бўладиган Бутуниттифоқ «Мода — 69» фестивалига қизғин тайёргарлик кўряпти. Тошкент модалар уйида ҳам бу кўрикка тайёргарлик ишларн бошлаб юборилган. Модаларни олдиндан тайёрлаш цехининг қўли гул моделёрларн кўрикка атаб эркак ва аёлларнинг костюмшим, жўйлак ва пальтосидан иборат бўлган 10 та моделни тайёрламоқдалар.

Бугун

моҳир тикувчилардан И. М. Ручкова ўзбек миллий кийимларини, М. Исмоилова миллий бекасам тўнларни, В. Басалаева эса костюмшимларни тикиб бўлишди.

Шунингдек, модалар уйи ҳамшаҳарларимиз учун ҳам инҳоятда чиройли ва бежирим модали кийимлар тикишни жойлардаги модалар ательеларига тавсия қилмоқда.



«Узгипротяжпром» институтининг группаларидан бири иситиш, вентиляция, саноат тармоқлари бўлимида ҳозир инженерлик коммуникациялари саноат майдони комплексини ишлаш билан банд. У Новоульяновск кўчасидаги пахтачилик ГСКБ янги биноси учун мўлжалланган

СУРАТДА: (ўнгдан чапга) группа бошлиғи И. Синицкая, старший инженер М. Толипов, инженер Г. Однилова ва старший инженер С. Клюковалар янги лойиҳани муҳокама қилишмоқда.

Л. Глауберзон фотоси.



◆ Ленинча меҳнат вахтасида

МАШИНАСОЗЛАР ТОРТИҒИ

Ленинча меҳнат вахтасида ишлаётган «Ташавтомаш» заводи коллективи бирин-кетин меҳнат галабаларини қўлга киритмоқда. Улар ярим йиллик топшириқларини бир неча кун олдин ортиги билан адо этишган эди.

Бугун

қишлоқ хўжалиги машинасозлари серқуёш диёримиз областлари ва Ўрта Осиё Иттифоқчи республикаларига 152 дона трактор прицепи 78 та тракторнинг олдинги мости, 35 та йиғма каравот ва 2300 сўмлик эҳтиёт қисмлар жўнатишди.

Маҳсулот жўнатиш қизғин давом этмоқда.

◆ Ўқув йилига тахт

РЕМОНТ ТУГАЛЛАНДИ

Кеча

Октябрь район халқ маорифи бўли м и г а хушхабар келди. Райондаги биринчи бўлиб Меҳнат Қизил байроқ орденли 24-мактаб бинолари жорий ремонтдан чиқарилди.

Мактаб педагогика коллективи ва юқори синф ўқувчиларининг ёрдами билан 25 та синф хонаси ва 10 та яқин фан кабинетлари сифатли ремонт қилинди. Стол-стуллар, парта ва доскалар чиройли қилиб бўялди.

◆ Қурилиш майдонларида

АВРОРА КЎЧАСИДА

Шаҳар об-ҳаво бюроси яқинида яна бир кўркам бино қад кўтарди. 45 хонадонни ўз бағрига оладиган бу бинода

Кеча

сўнгги пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари тугалланди. Бинога «Гидрометеослужба» ходимлари кўчиб киришади.

«Аврора» кўчасига ҳуснн бўлиб тушган бу бинонинг 31-қурилиш бошқармаси қурувчилари бунёд этишди. Ҳозир бино атрофи тозаланиб, четларига бетон ётқизилмоқда.

ЎРГАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Ер силкинишн зонасининг маркази — Навоий кўчасидаги Анҳорнинг ўнг қирғоғида ўзбек геологлари пармалаш ишларини тугатдилар. Унинг чуқурлиги 2,5 километрдир.

Шу ҳафта ичида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси сейсмология институти ходимлари Москвадаги физика институтининг олимлари билан ҳамкорликда ер қимирлашнинг сабабларини атрофлича ўрганишга киришадилар.

Бу тадқиқот келгусида ер қимирлашнинг асосий сабабларини батафсил билишга катта ёрдам беради.

АРМУҒОН

Кеча

ТОПОГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ ЎҚУВЧИЛАРИ ЯНГИ БИНОГА КЎЧИБ ЎТИШДИ. ЧЕРДАНЦЕВ КЎЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН БУ ЯНГИ ТЎРТ ҚАВАТЛИ БИНОНИ 19-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ ҚУРУВЧИЛАРИ ҚУРИБ БЕРИШДИ.

Ҳозир бу ерда янги ўқув йилига студентлар қабул қилина бошланди.

Замонавий жиҳозланган бино барча қулайликларга эга. Жисмоний тарбия учун ёпиқ, кенг ва ёруғ спорт зали, лекциялар учун катта акт зали мавжуд.

Асбобсоз слесарь Абилтар Ғаффоров «Ташавтомаш» заводининг новатор ишчиларидан. Кўпдан буён шу корхонада намунали ишлаётган бу меҳнатсевар ишчи беш йиллик шахсий топшириғини бажариш арафасида турибди.

СУРАТДА: А. Ғаффоров.

◆ Корхоналар бир меъёрда ишласин

КЕЛГУСИНИ УНУТМАЙЛИК

Одатда маҳсулот кетма-кет ишлаб чиқарилаверади. Тайёр маҳсулотни етказиб бериш ва уни реализация қилиб банк орқали ҳисоб-китобларни тўғрилаш эса вақти-вақти билан ўтказилади.

Нима, буни қандай тушуниш керак деб сўрарсиз. Йўқ, бу ўринда мана шу усул маъқул эканлигини унутмаслик керак. Иқтисодий ислоҳотнинг ўзига хос бу ҳусусияти корхона раҳбарларини ишни усталик билан олиб боришга, маҳсулотни тўхтовсиз ишлаб чиқаришга, олдиндан келишиб қўйилган битимга биноан маълум вақтларда реализация қилишга ўргатади.

Шаҳар корхоналари иши июль ойининг дастлабки икки ўн кунлигида анализ қилиб кўрилганда, кўп раҳбарлар планлаштиришнинг янги системасидан самарали фойдаланилаётганлиги аниқланди. Кўпгина фабрика ва заводларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар ўн кунликка мўлжаллаб узвий равишда планлаштириб борилади. Энг муҳими шундаки, қанча маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва реализация қилиниши олдиндан белгилаб қўйилади.

Мисол учун, ун комбинати, пластмасса заводи, тўқимачилик комбинатида, «Таштекстильмаш» заводида 1-пойафзал фабрикасида, «Юлдуз» фирмаси, 2-ва 3-тикувчилик фабрикалари ва бошқа корхоналарда шу усулдан самарали фойдаланилмоқда.

Тамаки фабрикаси июль ойининг икки ўн кунлигидаёқ маҳсулот реализация қилиш ойлик планини бажариб қўйди.

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли ремонт заводининг ютуқлари ҳам кишини қувонтиради.

Бу корхона турли сабабларга кўра кўпдан буён планни бажара олмас ва алоҳида кредит режимида ишлар эди. Июль ойининг 20 куни мобайнида корхона реализация қилиш ойлик планини бажарибгина қолмай, режадагидан 50 минг сўм ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди.

Шу даср мобайнида муз комбинати мўлжалдагидан 100 минг сўмлик, «Юлдуз» фирмаси 26 минг сўмлик, «Главгеологияга қарашли ремонт-механика заводи 17 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди ва реализация қилди.

Шунга қарамай, барча корхоналар яхши ишлади деб бўлмайди. Шаҳримиздаги энг йирик заводлар — «Ўзбексельмаш», трактор-йиғув «Компрессор»», «Ташхимсельмаш» заводларидаги аҳвол жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Мисол учун «Ўзбексельмаш» заводи ойнинг икки декадасида халқ хўжалигига мўлжалдагидан 442 минг сўмлик кам маҳсулот берди. Трактор-йиғув заводида аҳвол янада ёмон. Корхона давлатга мўлжалдагидан 1200 минг сўмлик маҳсулотни кам топширди.

Бу корхоналардаги шундай ташвишли аҳволнинг сабаби нимада? «Главхлопкомаш» системасидаги бир группа заводларнинг бундай аҳволга тушиб қолишига сабаб уларнинг моддий-техникавий жиҳатдан ёмон таъминланганлигидир. Бу корхоналарга «Ташсельмаш» заводи ўз вақтида керакли маҳсулотни етказиб бермаяпти. Чўян деталлар ва эҳтиёт қисмлар кўплаб сифатсиз ҳолда ишлаб чиқариляпти. Бу эса юқорида номи тилга олинган системадаги заводлар механика паркининг ишини оғирлаштириб юбораяпти.

Шуни айтиш керакки, «Ташсельмаш» заводининг ўзи ҳам ғоят бетартиб ишламоқда. Ҳозир ойнинг охири яқинлашиб қолганлиги учун бу ерда «тревога» эълон қилинган. Сабаби аниқ. Заводда июлнинг биринчи ярмида қанча маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, сўнгги ўн кунлигида ҳам шунча иш қилиниши керак.

«Компрессор» заводининг аҳволи ҳам чатоқ. Завод 500 минг сўмлик маҳсулотни реализация қилмоғи лозим. Ҳолбуки 20 кун мобайнида заводнинг кундалик жамғармасига бор-йўғи 163 минг сўм пул тушган.

Трикотаж фирмасида ҳам аҳвол ёмон. Чамаси бу корхоналарда меҳнат меёри зиммага олинган мажбуриятлар даражасига жавоб бермаяпти. шекилли. Маҳсулот ишлаб чиқариш билан уни реализация қилиш ўртасида кескин фарқ бор.

«Подъёмник», «Электробитприбор», экскаватор. 2, 5, 8-темир-бетон маҳсулотлари, каравот, 10-авторемонт заводларида, 1-уйсозлик комбинатида, 3-пиво заводида ҳам аҳвол яхши эмас.

Июль тугаб қолди. Кўпгина корхоналар плани бажарилмаяпти. Бугунги куннинг вазифаси ойлик топшириқни муваффақиятли бажарибгина қолмай, келгуси ойда бир меёрда ишлаш имконини берувчи нормал технологик ҳолатини таъминлашдир.

Ишлаб чиқаришни шундай уюштириш керакки, хўжалик кундалик топшириқларни бажариш билан биргаликда келажак вазифаларини ҳам эътибордан қочирмайдиган бўлсин. Техникавий тараққиёт, ташкилий-техникавий планда мўлжалланган тадбирларни бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва бошқалар ана шундай муҳим вазифалардир.

Партия ва касаба союз ташкилотлари ишчиларни зиммаларига олган вазифаларни бажаришга, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақани кучайтириш ва беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга жалб этиши лозим.

КОРХОНА ЯНГИЛИКЛАРИ

ЯНГИ ЦЕХ

Карамзит заводи янги цехлар қурилиши ҳисобига кенгаймоқда. Эндиликда заводда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортади.

Бугун

завод ишчилари комиссияси янги карамзит маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехни сўнгги кўрикдан ўтказди.

◆ Фан янгиликлари

СТУДЕНТЛАР АРМУҒОНИ

«Билим ва илмий ишларимиз улуғ доҳий юбилейига!» Давлат медицина институти студентлари йил бошидан буён ана шу шиор остида ўқиб, ижодий меҳнат қилдилар. Ҳа, ўтган ўқув йили қувончли натижалар билан якунланди.

Институтда бўлиб ўтган конференция ва турли илмий-тематик кечаларда студентлар томонидан 400 дан ортиқ доклад қилинди.

ОБ-ҲАВО БУГУН

ҳаво ўзгариб туради. кечқурун ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 18-20, эртага кундузи эса 28-30 даража иссиқ бўлади.



Коммунист Сандбилол Ғуломов Тошкент асбобсозлик заводи тажриба-ремонт цехининг илғор ишчиларидан бири. 15 йилдан буён шу корхонада баракали меҳнат қилаётган бу ишлаб чиқариш зарбдори ўзининг шахсий беш йиллик топшириқларини шу йилнинг октябрь ойида адо этади.

СУРАТДА: С. Ғуломов.

М. Нуриддинов фотолари.

◆ Учинчи меҳнат семестри

МАКТАБ ФОНДИГА

Шу кунларда тўқимачилик комбинатида иш қизғин. Бу ерда қўли гул тўқимачилар билан ёнма-ён енгил саноат ва тўқимачилик институтининг 300 студенти жавлон уриб меҳнат қилишяпти.

— Кўпгина студентларимиз, — дейди институт комсомол комитетининг секретари А. Узоқов, — Самарқанд, Бухоро, Иркутск каби шаҳарларнинг зарбдор қурилишларида ҳам фидокорона меҳнат қилишаётир.

Кеча

меҳнатсевар студентларнинг йиғилиши бўлиб, икки кунлик иш ҳақларини қишлоқларда қурриладиган мактаблар фондига ажратиш учун қарор қилдилар.

КЕНГАШ МАТЕРИАЛЛАРИ—ОММАГА

Республика «Билим уйи» методик совети Москва Кенгаши қарорларини кенг оммага тарғиб этиш мақсадида 21 июлдан бошлаб Москва Кенгашининг якунларига бағишлаб лекция циклини уюштирди. Биринчи бўлиб Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениеси раисининг ўринбосари И. В. Володин «Жаҳон Коммунистик ва ишчи партиялари Москва Кенгашининг якуни ва унинг тарихий аҳамияти» ҳақида лекция ўқиди. Лекция жуда кўплаб кишиларга манзур бўлди. Бу циклда 10 дан ортиқ лекциялар ўқилиб, бунда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг лектори Е. М. Блок, халқаро темада лекциялар ўқувчи Л. С. Дейч, Ф. Исҳоқов, К. П. Пўлатов, республика «Билим» жамияти правленнесининг илмий секретари Л. М. Транис ўртоқлар қатнашадилар.

Республика «Билим уйи» дирекцияси шу йилнинг охиригача энг яхши лекторлар ва олимларни Кенгаш материалларига бағишлаб 20 марта чиқишини уюштиради.

Бу Кенгаш материалларини чуқур ўрганишда ҳамшаҳаримизга кўмак бўлади. Бу циклда — Ўзбекистон фанлар академиясининг мухбир аъзолари Р. Ҳ. Аминова, А. Аминов, академик Адеровнч, фан докторлари А. Ф. Водолазский, С. Аҳмедов ва бошқалар лекциялар билан чиқадилар.

Район Советларининг сессияларида

Шу кунларда меҳнаткашлар депутатларн район Советларининг сессиялари бўлиб ўтяпти. Бу сессияларда депутатлар шу кунниинг муҳим масалаларини муҳокама қилаётирлар. Сессия давомида кўпгина фойдали таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланяпти. Кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан депутатларнинг таклиф ва мулоҳазаларини ўзида мужассамлаштирган қарорлар қабул қилинаётир.

Куни кеча меҳнаткашлар депутатларн Киров, Октябрь, Ҳамза ва Фрунзе район Советларининг ХП чақириқ III сессияси бўлиб ўтди.

* * *

Киров район Советининг сессиясига йиғилган депутатлар беш кунлик иш ҳафтаси муносабати билан меҳнаткашларга маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатиш ҳамда уни янада яхшилаш тадбирлари ҳақида район ижроия комитетининг раиси Б. Иброҳимовнинг докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Депутатлар район меҳнаткашларига маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш борасида бир қатор таклиф ва мулоҳазаларни айтдилар.

Район ижроия комитети раиси ўринбосари В. И. Нагибин район Советининг II сессияси томонидан «Район хўжалиги, уй-жойлар ва маданий-маиший объектлардан фойдаланиш ҳақида» қабул қилинган қарорнинг бажарилиши тўғрисида ахборот берди.

* * *

Меҳнаткашлар н и н г шикоят ва хатлари, гражданларни қабул қилиш ҳолати қандай! Уни янада яхшилаш учун нима қилиш керак!

Октябрь район партия комитетининг мажлислар залига тўпланган район Советининг депутатлари ана шу масалани муҳокама қилдилар.

Бу ҳақда меҳнаткашлар депутатлари район Совети Ижроия комитетининг раиси Ғ. Абдурасулов доклад қилди.

Район коммунал хўжалик бўлимининг мудири К. Файзиев район Советининг ўтган сессиясида қабул қилинган «Районни ободонлаштириш ва кўгаламзорлаштириш тадбирлари» ҳақидаги қарорнинг бажарилиши тўғрисида депутатларга ахборот берди.

* * *

Ҳамза район Советининг сессиясига йиғилган депутатлар «Районни ободонлаштириш, санитария ҳолати ва уни янада яхшилаш тадбирлари ҳақидаги масаланн кўриб чиқдилар.

Бу ҳақда район ижроия комитетининг раиси Ж. Шахбозов доклад қилди.

Музокараларда сўзга чиққан депутатлар доклад юзасидан бир қатор таклифлар айтдилар.

«Беш кунлик иш ҳафтаси муносабати билан меҳнаткашларга маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатиш ҳақида район ижроия комитети раиси ўринбосари О. М. Ендрашек маълумот берди.

Район ижроия комитети қошидаги ёшлар масаласи бўйича доимий комиссиянинг иши ҳақида шу комиссия раиси С. Абдурахмонова сессияга йиғилган депутатларга ахборот берди.

* * *

Маҳаллий Советларга қарашли уй-жой фондидан фойдаланиш ҳолати ва уни янада яхшилаш масаласи Фрунзе район Советн сессиясининг кун тартибига қўйилди.

Депутатлар бу ҳақда район ижроия комитети раисининг ўринбосари З. А. Хабибулина район Советининг II сессияси «Районни ободонлаштириш ва уни янада яхшилаш чоралари» тўғрисида қабул қилган қарорнинг бажарилиши ҳақида депутатларга қисқача ахборот берди.

Район Советларининг сессияларида кун тартибидаги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ПОКИСТОНДА СОВЕТ АВТОМАШИНАЛАРИ

Совет Иттифоқи Покистонга машиналар етказиб бериш билангина кифояланмай, малакали кадрлар ҳам тайёрлаб беради.

КАРОЧИ. Карочи кўчаларида «Белаз-540» совет автомобиллари пайдо бўлиб қолди. Бу жуда катта ағдарма машиналар Исломобод районидаги тўғон қурилишида ишлатилади. Бу машиналарни покистон-совет битимига мувофиқ. «Пакленд трэдинг корпорейшн» фирмаси сотиб олди.

МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРАЁТГАН ДЎСТЛИК

БАҒДОД. (ТАСС). Совет Иттифоқининг ёрдами билан Ироқда ядро тадқиқотлари институти маркази ташкил этилди. Бу илмий муассасада совет ва ироқ мутахассислари бирга меҳнат қилмоқда. Шу соҳадаги алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида Бағдодда ядро энергиясидан тинч фойдаланиш соҳасида илмий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида совет-ироқ протоколи имзоланди. Бу протокол физика, химия, радиология, радиоактив изотопларни ишлаб чиқариш ва уларни саноатда, қишлоқ хўжалигида, медицинада қўлланиш соҳаларида назарий илмий тадқиқотлар ўтказишни, олимларни ҳамда илмий ходимларни ва мутахассисларни ўзаро юбориб туришни кўзда тутади.

◆ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА



ШВЕЦИЯ. Стокгольмдаги ҳозирги замон санъати музейида кўзи ожизлар учун ҳайкаллар кўргазмаси очилган. Ҳар бир ишга кўзи ожизлар ҳарфида тушунтириш тексти берилган.

СУРАТДА: кўргазма залларидан бирида.

Прессен бильд —ТАСС фотоси.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.

СУРАТДА: Лоҳутий кўчасидаги янги қурилган турар-жой бинолари.

У. Шоҳафизов фотоси.

● Янги даҳа қурилишида

Янгиободнинг ҳусни

Янгиобод — ўтган йили собиқ «XXII партсъезд» совхози территориясида ташкил топган баҳаво даҳа. Минг ўринли мактаб, 280 ўринли болалар боғчаси, аптекали поликлиника, кўпдан-кўп савдо расталари, равон кўчаларнинг икки қаноти бўйлаб, батартиб саф тортган бир-биридан муқобил кўкаламзор ҳовлилар навқирон даҳанинг бу кунги ҳусни жамоли. Атрофда кўзга ташланиб турган қурилишлар, уларнинг тепасида парвона бўлиб сузиб юрган минора кранлар сўлим даҳанинг эртанги қиёфасини гавдалантириб турибди.

«Главташкентстрой»га қарашли 46-қурилиш бошқармасининг Дмитрий Влахогеоргиос бошлиқ комплекслаштирилган бригадаси янги, минг ўринли мактабни битказиб, ободонлаштириш ишларини бошлаб юборди. Г. Парадиднс, З. Шарафиддинов, А. Крнчнс, С. Антоновларнинг қўлн-қўлига тегмайди, бригададаги 40 йигит бири-биридан чаққон ва жадал меҳнат қилмоқда. Улар мактаб қурилишини муддатидан анча илгари битиришга мувaффақ бўлдилар.

Ҳар ҳар жойда, тахта эшик, қоришма уюми, парталар кўзга ташланади.

1-«Отделстрой»га қарашли Степан Брилевский бошлиқ дурадгорлар бригадаси дераза ва эшикларни ўрнатиб, полларни ётқизишга киришди. А. Величко бошлиқ пардозчилар бригадаси сувоқ ишларини бошлаб юборди. Мактабни август ойининг биринчи декадасида қўлдан чиқариш учун улар ҳам ишни икки сменада ташкил қилганлар.

Шунингдек янги даҳа аҳолисига хизмат қиладиган қўш қаватли ҳаммом биноси ҳам мўлга туширишга арафасида.

— Янгиобод бундан сўнг ҳам чирой очиб кенгая боради, бу ерда кўплаб маданий-маиший ва турар-жой бинолари қурилади, — дейди 46-қурилиш бошқармасининг бош прораби Р. Н. Котельная. — қўш қаватли 12 квартирали уй-жой бинолари, ёзги кинотеатр, ошхона, кир ювиш хонаси, иқлимлаштирилган (ёзги-қишки бўлимларига эга бўлган) чойхона ва бошқа муассасаларнинг қурилишлари бу йилдан бошлаб юборилади.

Келгуси йил ҳисобидаги қурилишлар кўлами бундан ҳам улкан. Ҳар бирида 30 сотувчи хизмат қиладиган саноат ва хўжалик молларн магазини, 12 сотувчиси бўлган озиқ-овқат молларн магазинининг ўзи ичига олган савдо маркази қад кўтаради. 560 ўринли болалар комбинати, 400 ўринли қишки кинотеатр, спорт иншоотини қуришга киришилади. Аҳолининг барча зарур талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун ҳамма қулайликлар шу ернинг ўзида муҳайё қилинади. Янгиобод шаҳримиздаги обод ва кўркам манзилгоҳлардан бирига айланади. Унинг истиқболи порлоқ.

Б. ҚАҲҲОРОВ.

Партия турмуши

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ...

Тарбия ишида ҳамкорликнинг роли, аҳамияти беқиёс каттадир. Шунинг учун ҳам тарбия соҳасида амалга оширадиган ишимизни комсомол, касаба союз ташкилотлари, маъмурият билан ўзаро келишилган ҳолда амалга оширмоқдамиз. Еш ишчиларимизни меҳнатга муҳаббат руҳида, уларни сиёсий жиҳатдан ҳар бир масалани тўғри тушунадиган қилиб тарбиялашда кўпгина диққатга сазовор ишлар қилдик. Аммо биз жамоат ташкилотлари ёрдамида қилган ишларимиз билан қаноатланиб қолмаймиз. Ютуқларни янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Шуни тан олиб айтиш мумкинки, заводимиз катта коллективида меҳнат интизомини бузувчи, ишга кечикувчи баъзи бир шахслар ҳали ҳам топилади. Халқ ибораси билан айтганда уларни шолидаги «курмак»лар деб аташ мумкин. «Курмак»ларнинг учраб туриши тарбия борасида қилаётган ишимиз ҳали етарли эмас эканлигини кўрсатади.

Айрим мисолларга мурожаат қилайлик. Ўтган йил ва шу йилнинг беш ойи мобайнида ишчиларимиз томонидан 788 марта сабабсиз ишга келмаслик ҳоллари содир бўлди. Диққат эътибор билан разм солсангиз, бу рақам кишини ташвишга солади. Бундай кўнгилсиз ҳолни «Ташавтомаш» заводидек илғор, довруғи кетган корхона учун кечирарли бир ҳол деб бўлмайди. Кўрдингизми, ишдан прогул қилувчилар «ўз фаолиятлари» корхонанинг, энг илғор цехлари шаънига доғ туширади. Ишчиларнинг маошларига қўшимча равишда ҳақ олишларига тўсқинлик қилади.

Тўғри, биз завод маъмурияти билан келишган ҳолда прогулчиларга қарши шафқатсиз кураш олиб боряпмиз. Камчиликларга йўл қўйганлар орасида атрофлича тушунтириш ишлари олиб боряпмиз. Лозим бўлган ишчиларни, ҳатто, жазолаяпмиз ҳам. Чунончи, 50 дан ортиқ кишини қаттиқ огоҳлантирдик, 47 кишига хайфсан бердик ва 2 ишчини эса ётоқхонадан чиқаришга тўғри келди. Бундан ташқари, 209 нафар ишчини устма-уст прогулга йўл қўйганликлари учун йиллик мукофот тариқасида оладиган пуллардан маҳрум этдик.

Тарбия ишларини намунали йўлга қўйиш учун бизда барча имконият ва шарт-шароитлар мавжуд. Бир қатор тадбирларни белгиладик. Биз бундан буён ёшларни совет халқининг революцион ва жанговар меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш ишига алоҳида эътибор берамиз. Ёшларимизда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш, уларга шонли ишчилар синфи анъаналарини сингдириб боришни ҳар доим биринчи галдаги вазифамиз деб белгиладик. Бундан ташқари, «ташавтомаш»чилар ўртасида мустаҳкам дўстлик, ўртоқлик муносабатларини янада яхшилаш борасида кўпгина ишлар қилишни мўлжалламоқдамиз.

У ёки бу корхонада меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда матбуотимизнинг қуйи звеноси ҳисобланган деворий газета, жанговар варақаларнинг роли катта, албатта. Заводимизда «Комсомол прожектори», «Крокодил» деворий газеталари чиқарилади. Бу деворий газеталар фаолиятида қатор камчиликлар борлигини эътироф этамиз. Улар, биринчидан, системали чиқериб турилмайди. Ҳар томонлама талабга жавоб берадиган сонларини чиқаришга кам эътибор берилади. Биз мавжуд камчиликларга аста-секин барҳам бермоқдамиз. Ҳозирги вақтда деворий газеталаримиз прогулчи, жамоат тартибини бузувчилар, ишдан кечикувчиларга қарши кураш олиб бормоқда. Ўз саҳифаларида тартиббузарларни фош этувчи ҳажвлар, карикатуралар сонини бундан буён ҳам кўпайтириб боради, уларнинг таъсирчанлигини оширишга ҳаракат қилинади.

Заводимиз ҳаётида айрим кўнгилсиз воқеаларнинг содир бўлишида халқ кўнгилли дружиначиларимиз ҳам жавобгардирлар. Улар жамоат тартибини бузувчиларга қарши кескин кураш олиб боришлари ва ишчилар посёлкамизнинг ҳақиқий осойишталик соқчилари бўлиб қолишлари зарур.

Кўпгина цехларимиз, бўлимларимиз раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотларн секретарлари ўзларидаги халқ кўнгилли дружиначиларини белгиланган кунларда навбатчиликка тайинлашга эътибор бермайдилар. Бу эса тартиббузарлар хуружининг авж олишига қулайлик туғдирмоқда.

Ётоқхоналар, физкультура ва спорт Советлари атрофига жипслашган ўртоқлар ҳам ибрат олишга арзигулик ишлар қилмаётирлар. Болалар комиссиясининг, завод қошидаги ДОСААФ комитети ишларини ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Ёшлар, айниқса, катта ёшдаги ўртоқларни физкультура ва спорт ишларига жалб этиш иши яхши эмас. Заводда спорт ишлари бир томонлама, яъни футбол тури бўйича ривожланмоқда. Спортнинг барча турларига эътибор бериш вақти келмадимикин?

Тарбия ишлари намунали йўлга қўйилган бўлса, бу коллективнинг фахри ҳисобланади. Аксинча кўнгилдагидай бўлмаса, коллективнинг айби дейиш мумкин. Бунн партия, комсомол, касаба союз ташкилотларининг раҳбарларидан тортиб, оддий аъзоларигача яхши тушунишлари талаб қилинади.

Ҳозир доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилянти. Бу қутлуғ санани биз «ташавтомаш»чилар ҳам меҳнатда, турмушда, ўқишда муносиб кутиб олишимиз керак. Шу билан бир қаторда тарбия ишлари савиясини коммунистик партия талаб қилган даражага кўтаришга эришмоғимиз зарур.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, у барча ютуқларимизнинг гаровидир. Шундай экан, бу ишни шу куннинг талаби даражасига кўтаришни ҳар бир коммунист ўзининг муқаддас бурчи деб билмоғи керак.

И. ЛУКЬЯНОВ,
«Ташавтомаш» заводи партия комитетининг секретари.

● Шифокорларимиз

ИСТИҚБОЛ САРИ

Абдулҳай туни билан ухлай олмади. «Беморнинг аҳволи нима бўлдийкин?.. Ҳар қалай биринчи мустақил операция-да». У бемор ёнида қолмаганига ачинди. «Юлия Константиновнанинг ўзи операцияни шахсан кузатиб турди-ку...»

Абдулҳай шундай ҳаёллар билан тонг оқара бошлаганини сезмай қолди. У аста ўрнидан турди, кийниб ташқарига чиқди, ювинди-ю, касалхонага югурди.

Уни ҳамшира қиз кутиб олди.

Абдулҳай оқ халат кийиб, керакли асбобларини қўлига олди-ю палатага шошилди.

Абдулҳай эгилиб бемордан ҳол-аҳвол сўради, қон босимини ўлчади, нафас олишини текширди.

Одатдагидек иш куни бошланди...

Абдулҳай Жуманов эндигина 27 баҳорни кўрган, тажриба орттириш борасида ҳаракат қилаётган ғайратли, тинмай-тинчимас врачлардан бири. У ҳозир Ички ишлар министрлигининг Марказий касалхонасида врач-хирург бўлиб ишлаяпти.

Абдулҳай Жуманов тез орада ўзининг ҳалол меҳнати, шижинсуҳанлиги, одамларга ғамхўрлиги туфайли коллективнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. Касалхона «Ҳурмат тахтаси»да илғор ҳамкасблари қаторн Абдулхайнинг суратн ҳам бор.

Ш. ТУРОБОВ.



Ўзбекистон Фанлар академияси шарқшунослик институтининг нодир шарқ қўлёзмалари сақлаш кутубхонасида жаҳон миқёсида донги кетган кўпгина асарлар сақланади.

СУРАТДА: кутубхонанинг кичик илмий ходимлари Нафиса Умарова ва Солиҳа Мутолипова нодир қўлёзмаларни тартибга келтирмоқдалар.

С. Безносов фотоси.



Тошкент темир йўл станциясининг 1-юк ортиш ва тушириш дистанциясидаги Николай Сошкин бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари ойлик планларини 150—180 процент қилиб адо этадилар.

СУРАТДА: бригада аъзоларидан Ж. Мирбобоев билан В. Молибоженколар иш устида.

Ж. Раззоқов фотоси.

● Ишчи жаноб олийлари

Паровоз

(ЛАВҲА)

Миржўра ўрта мактабни битириб институтга киришни орзу қилар, қўлида катта папка кўтарган аспирантларни кўрса яна ҳаваси келарди. Мактабни тугатгандан кейин жуда бош қотиб қолди. «Нима қилсин? Тавакқал қилиб, бирон институтда бахтини синаб кўрсинми?.. Э, йўқ. Конкурсдан ўтолмай уйга димоғидан чанг чиқиб боргандан ёмони йўқ. Кел, яхшиси...» Ҳа, ана шу иккинчи ният устун келди. Бу ҳам осонликча рўёбга чиқмади.

«Узбексельмаш» заводи шундоққина уйларининг биқинида эди. Болалик ва ўсмирликдаги тасаввур бошқача экан. Буни заводга кирган дастлабки кундаёқ ҳис этди. У ердаги жараёнлар сирли туюлгани учун чўчиб юргани бежиз эмас экан. Ўша куни цехга юборишибди. Мураккаб ишлаб чиқариш жараёнлари билан таништиркан, деталларни тез ва моҳирона йўналтирган ишчиларнинг юрагига тасанно ўқиди. Биноийдек йигитнинг юраги дов бармаётганини сезган цех бошлиғи: «Яхшилаб ўйлаб кўринг йигит, чавандозлик эмас, бу» деб юборибди, негадир. Ахир, қийинчиликка бардош беролмаганлар ҳам кўп бўлган-да! Бу гап унга тегиб кетибдию, бир амаллаб кунни кеч қилибди.

— Кечаси билан ичимни нимадир тирнаб чиқди, — деди у кулимсираб, — эрталаб апил-тапил чой ичдиму, уйдагиларга индамасдан чиқиб кетдим. Бир маҳал цехга келсам шалоладай гувуллаган цех ўртасида, дастгоҳлар ёнида Комил, Тельман, Эркинлар менга қараб туришибди. «Кимни кутиб турибсизлар?» дедим. «Келишингизни кўнглимиз сезувди» дейишди. Ҳали-ҳали шуни эсласа кулишамиз. Ушанда ўзимни заводнинг энг ишончли аъзосидай ҳис қилганим ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Ҳамроҳимнинг бу сўзлари жуда самимий эди. 12-қуюв цехига кирдик. Гавжум. Бу ерда қандайдир кўтаринкилик, шодлик ҳукмрон. Иш қайнаб кетган. Цех бошлиғи Борис Канаев ишчиларга аллақандай топшириқлар берарди. Коржомали йигит-қизлар агрегат узел ва қисмларини чаққонлик билан йиғишяпти. Цех бошлиғи Миржўрага яқин келди: Нимадир деди.

—Жудаям соз-да, — деди унга жавобан Миржўра, — мен ҳам шундай фикрдаман. Ишни шундай ташкил этсак, пландан ташқари кўплаб агрегатни қўлдан чиқараоламиз.

Цех бошлиғининг жиддий чеҳрасига табассум ёйилди. У Миржўранинг елкасига дўстона қоқиб қўйди. Цехдан чиққанимизда ҳамроҳим ҳақида яна нималарнидир билгим келиб саволга тутдим.

Кеч куз ёдингиздадир. Барглар олтиндай товланиб кўзни қувонтиради. Пахтазор бўйлаб юраркансиз юз-кўзингизга мевзон ёпишади. Гўё сехрли куч пахтазор узра кўз илғамас мавйн ипак тўр ташлаб қўйгандек туюлади. Ана шунда учи ўткир чаноқлардан момиқ пахталарни ажратиб олаётганингизда бир зум тик турганча хаёлга чўмганмисиз? Тўкилган пахта тақдири ҳақида ўйлаганмисиз. Бу машинасозлар тинчини ҳам олиб қўйган эди. Дастлабки. «ПХН—1,2» пода борқачи агрегат конвейердан тушганига мана тўртинчи йил бўляпти. Бу қимматли агрегатларга қисмлар тайёрлашда Миржўра Миробидовнинг ҳам ўз кўнглида қайта-қайта назар солди.

«Етимлик нимадир, бизлардан сўра» — Ғафур Ғулом нинг бу машҳур мисралари кўлоқлари остидан бир зум ҳам кетмасди. Етимлик. У ҳаётнинг бу аччиқ кўргилигини бошидан кечирди. Она-юрт бағрида ўқиди, вояга етди. Энди ўсмирлик йиллари орқада қолди. Қизиқ, киши шундай қувончли дамларда нега ўз ўтмишини эсларкин-а? Ё хаёллар унинг қувонч ва ташвишларини доимо бир-бирига боғлаб турувчи сирли нарсами?

Съездан бир дунё таассурот билан қайтган йигит эл орзига тушди. Ўша йили республика Олий Судига маслаҳатчи бўлиб сайланди.

Эҳ, ёшлик, ёшлик! Нималарга қодир эмас, у? Довонлардан елдек ошиб ўтади; қаноти ҳам кенг, парвози ҳам тез. Ёшлик Миржўрага кўп қувончлар ҳадя этди.

Меҳнатда пешқадам ишчи шу кунларда гоят кўтаринки руҳ билан ишлаяпти. У доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига бошланган мусобақада пешқадамлар сафида бориб, янги паровозлар қиляпти.

Ҳ. ИКРОМОВ.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ — МУҲИМ МАСАЛА

Яқинда шаҳарнинг А. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғидаги ёзги кинолекторий зали дам олувчилар ҳамда боғ атрофида истиқомат қилувчи маҳалла аҳолиси билан лиқ тўлди. Улар билан Тошкент физкультура ва спорт институти педагогика кафедрасининг ўқитувчиси, лектор О. Азимов «Ёшларнинг коммунистик руҳда тарбиялаш» мавзусида қизиқарли суҳбат ўтказди.

Лектор ёшларни тарбиялаш борасида тўпланганларга қимматли фикр айтди. Шунингдек, у ватанпарварлик, интернационализм каби муҳим масалаларни ёшлар ўртасида кенг ёйиш, ёшлар билан шуғулланувчи мутахассис ва педагогларнинг биринчи галдаги вазифаси эканлигини таъкидлади.

Мазмунли ва қизиқарли суҳбат йиғилганларда катта таасурот қолдирди.

● ТАБИАТШУНОС ЁН ДАФТАРИДАН

ЎСИМЛИК — ЎСИМЛИК ҚУШАНДАСИ

Ўлкамизда фойдали ўсимликлар орасида баъзи бир зарарли ва заҳарли бегона ўтлар ҳам учрайди. Бу заҳарли ўсимликлар билан эҳтиётсизлик билан иш олиб борилмаса, инсон саломатлигига зарар келтириш ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларини заҳарлаб қўйиши мумкин. Кампирчапон, какра, кўкмараз кабиларнинг уруғлари инсон саломатлиги учун хавфли бўлса, ҳайвонлар учун ўлма, айиқтавон, ғумай, зарпечак, лолақизғалдоқнинг хом чаноқлари ва бошқа бир қанча ўсимликлар зарарли ҳисобланади.

Табиатда шундай ўсимликлар борки, улар фақат ҳайвонларга ҳамда инсонларга зарар келтириб қолмасдан, балки бошқа тур ўсимликлар ҳисобидан тежинхўрлик билан ҳаёт кечиради, овқатланади, ўсиб ривожланади ҳамда ўша ўсимликнинг ҳаётига таҳдид солади ва уни ҳаётдан маҳрум этишгача олиб боради.

Бундай ўсимликлар жумласига зарпечаклар киради. Зарпечакларнинг турн 200 дан ортиқ бўлиб, А. Я. Бутков маълумотларига кўра, Ўрта Осиё ўсимликлар оламида 25 турн ва Ўзбекистонда 10 турн мавжуддир.

Зарпечак — чирмашиб ўсадиган баргсиз, илдизсиз ва фақат поя ҳамда гулга эга бўлган бир йиллик текинхўр ўсимликлардан ҳисобланади. У бегона ўтлар ҳамда қишлоқ хўжалик ўсимликларига чирмашган ҳолда ариқ бўйларида, йўл ёқаларидаги бегона ўтларда, бедазорларда, полиз экинлари экилган майдонларда, уватлардаги ерларда ва баъзан айрим пахта экиладиган майдонларда учраб қолиши мумкин.

Зарпечак бошқа ўсимликларга ўзининг сўргичлари ёрдамида ёпишиб олади ва у ўсимлик ҳисобидан (ширасини сўриб) ҳаёт кечираверади. У май ойининг охиридан — июлнинг охиригача гуллайди. Гули оқ сарғиш ёки оч бинафша рангли гуллардан иборатдир. У чаноқлар ҳосил қилади ва унда 6 тагача уруғ бўлади. Бир туп зарпечак мавсумда 100 минг донагача уруғ бериши мумкин. Уруғлари июнь-август ойларида етилади.

Ҳавфли зарпечакка қарши курашиш учун унинг тарқатувчи манбаларига эътиборни кучайтиришимиз лозим. Экиладиган барча уруғлар зарпечак уруғидан тозаланиши шарт. зарпечакнинг уруғлашига йўл қўймаслигимиз, уни йиғиштириб, ёқиб юборишимиз ёки ерга чуқурроқ кўмиб ташлашимиз керак. Йўллар атрофида ҳамда бедазорларда учрайдиган зарпечакларга қарши ҳар хил химикатлар (4 процентли натрий нитрати) пуркаш керак.

Агар юқоридаги тадбирларга амал қилсак, ўсимлик кушандаси ҳисобланган текинхўр зарпечакнинг ўсишига, кўпайишига ва тарқалишига йўл қўймаган бўламиз.

Қ. ХОЖИМАТОВ,
биология фанлари кандидати



МОСКВА. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси «Радиоэлектроника» павильонида янги экспонат — «Электрон» рангли телевизион приставкаси қурилди.

Янги прибор ҳар қандай моделдаги оқ-қора рангли комплекснга уланиб, 140х183 размерли экранда рангли программани кўриш имкониятини беради.

Приставканинг вазни 25 килограмм, нархи 200 сўм.

Суратда: рангли телевизион приставка.

В. Созинов фотоси.

ФОНОТЕКА КАБИНЕТИ

Яқинда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг КПСС тарихи кафедрасида фонотека кабинети ишлай бошлади. Кабинетда студентлар, илмий ходимлар ва аспирантлар наушник орқали доҳийларимиз К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленининг асарлари ёзилган грампластинкалар орқали лекциялар ва консультациялар тинглайдилар.

Бу усул айниқса, студентларнинг семинар ва имтиҳонларга пухта тайёрланишлари учун катта ёрдам беради.

Р. ТИЛЛАЕВ.

УЧРАШУВ

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб, Тошкент Давлат педагогика институтида қозоқ тилида адабий кеча бўлиб ўтди.

Кечада шоир Абдулахоб Гаймбеков «Қозоқ поэзиясида Ленин образи» деган темада гапирди. Студент шоирлардан М. Омаров, Б. Қидиров, Қ. Омаров, Ж. Қурмонбоевлар ўзларининг доҳийга бағишлаб ёзган шеърларини ўқидилар.

М. УМАРОВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

БОР ОТАНГА — БОР ОНАНГА

Қорасувдан Қўйлиққача бўлган катта асфальт йўл «Куйбишев шоссеси» деб номланади. Илгари бу йўл Калинин районига қарашли эди. Йўлнинг икки томони дарахтзор ариқлардан эса зилол сувлар оқиб ўтар, кўчаларга ўзгача ҳуси берарди. Ильич чироғи нуридан кўчалар кундузгидек ёруғ бўларди.

Бундан икки йил муқаддам районлар қўшилиб, қишлоқ райони шаҳарга ўтди. Бу хабар ҳаммани беҳад хурсанд қилган эди. Чунки шаҳар бўлганидан кейин кўчаларимиз яна ҳам обод бўлар деб умид қилган эдик. Афсуски қувончлар узоққа бормади. Районимиз аввал Ленин районига ўтди. Кейинчалик Қорасувдан Қўйлиққача бўлган катта йўлнинг чап томони Хамза, ўнг томони эса Ленин районига бириктирилди. Шунга ҳам анчагина вақт бўлди. Бу фурсат давомида кўчани ободонлаштириш ҳақида ўйлайдиган бирор ташкилот топилмади.

Кўчалар қаровсиз, ариқлардан сув оқмагани туфайли дарахтлар қуриб қолди.

Ана шу массивдаги аҳолининг кўпчилиги завод ва фабрикаларда ишлайди. Иккинчи ва учинчи сменада ишловчилар кечаси ишга боришга ва ишдан қайтишга жуда қийналмоқдалар. Шунинг учун биз Қўйлиқдаги «Электросбит» идорасига борнб: «Қачонгача биз шундай қоронғиликда яшаймиз» десак, у ердаги ўртоқлар: «Биз билмаймиз. Ҳамза районига боринглар» дейди. Ҳамза районига борсак. «Ленин районига боринглар» дейди.

Биз кимга ва қаерга бориб арз қилишимизни билмай, икки орада сарсон бўлиб қолдик. Илтимос қилардик, энг кўзга кўринган «Куйбишев шоссеси» кўчасидан ҳам хабар олинса. Бу кўча ўзининг аввалги ҳолига келиши керак.

Шу кўчада яшовчи аҳоли номидан: Ю. ТУРСУНОВ, М. АБДУРАЗЗОҚОВА, М. РАЖАБОВ, З. ГАЛАМАЕВА, Т. НИЕЗОВ, З. ҲУСАНОВ, Ж. СОДИҚОВА.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. Украина бинокорлари томонидан қурилган уйлар.

Ю. БУТУСОВ фотоси.

Ёшлик шуҳратлари

ЮЛДУЗГА ЎХШАТМАНГ

Юлдузлар оралаб сузарди аста,
Файзли кечанинг маликаси — Ой.
Шаршара тинимсиз шовуллар пастда,
Мажнунтол кокилин ювар эди сой.
Оқшом оғушида, қалбда эҳтирос,
Зуҳро юлдузига ўхшатдим сени
Дединг: йўқ, ярашмас менга бу
таққос,
Йўқ, асло юлдузга ўхшатма мени,
У фақат йироқдан кўринар гўзал,
Юлдуздек ёнмайлик абад фироқда,
Ахир биласанку, яшолмам азал,
Зуҳро юлдузидек сендан йироқда!

ФАВВОРА

О, нақадар жўшқин деб қиласан
ҳавас,
Фаввора ёнига келсак ҳар сафар.
Ҳақиқий жўшқинлик фавворадамас,
Уни сен Зарафшон, Амудан ахтар.
Аму тўлқинидек жўшқин бўл эркам.
Ҳавасинг келмасин, бўлма овора.
Сиртидан шунчалар жўшқин бўлса
ҳам
Умрбод бир ерда турар фаввора.

Мукамбар ЭРНАЗАРОВА.

● Гулғунчалар

ОНА ЙЎЛИДАН

Кечадан бери бош режиссёрни ташвишлантираётган муҳим иш ҳал бўлди. Лекин буёғи қандай бўларкин...

«Ганг дарёсининг қизи» спектаклидаги Камола ролини ўйнайдиган актрисанинг бетоблигини фақат бир кун олдин эшитишди холос. Шунда ўзича шу ролни ёд олиб, репетицияларни кузатиб юрган ёш Дилбар ийманибгина режиссёрдан ўзини синаб кўришларини сўради.

Биринчи репетициянинг ўзидаёқ Дилбар театр коллективининг олқишига сазовор бўлди.

Актриса бўлиш — унинг ўқувчилик давридаёқ бошланган орзуси эди.

Зайнаб опа қизининг бу орзусини қўллаб-қувватласада, бироз ўйланди. Чунки, санъаткор бўлишдек машаққатли, шарафли касбга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайдику.

Дилбарнинг эса аҳди қатъий эди.

Ниҳоят у 1958 йили Оетровский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтининг драма ва кино актёрлик факультетига ўқишга кирди. У тажрибали педагоглардан ўзбекистон халқ артистлари Н. Алиева, Т. Хўжаевлардан маҳорат сирларини ўрганна бошлади. Бу тиришқоқ қиз индивидуал дарсларни кўпроқ педагог М. Фатхоев билан бажарарди. Ердамчи топшириқларни вақтида бажарган Дилбар курс учун олинган спектакллардан яхши натижаларга эришди.

Дилбар ўқиш билан бирга Ҳамза театрида практика ўтказарди. У тез-тез эпизодик ролларда ҳам кўрина бошлади. Саҳна сирларини анча ўрганиб олган Дилбарнинг ижодий йўналишига устози Тошхўжа Хўжаев ҳар томонлама яқиндан ёрдам берди.

Дилбар саҳнадаги дастлабки ролларидаёқ кўзга кўрина бошлади. Унга чинакам бахт келтирган иши Қамара образини яратиши бўлди. «Фурқат» спектаклидаги бу образ гўзал ҳинд қизининг ўзбек шоирига бўлган илк севгисини баён этади. Д. Ҳасанова Қамаранинг Фурқат билан учрашувларидаги лирик ва драматик ҳолатларини турли бўёқлар орқали очиб бера олди. Д. Ҳасанова ижросидаги характерли образлардан бири Ирина («Сўнгги қурбон») ролидир. Бу образ Қамара образидан бутунлай фарқ қилади.

Дилбар — Ирина шаддодликни бўйнига шундай иладики, ҳатто Вадимнинг унга уйланиш кераклигини уқтиради. Унинг қилаётган ҳамма ҳатти-ҳаракати томошабинларда кулги уйғотади. Бир ролнинг иккинчисига ўхшамаслиги, ҳар бир характердаги образларнинг ўзига хос йўналиши актернинг маҳоратига боғлиқ.

Баъзан шундай ҳам бўладики, қандай вақт бўлишидан қатъий назар уйнинг ўзида иш бошланиб кетади. Стол-стуллардан қурилган ёрдамчи мизансценалар ҳам актриса хизматига тайёр. Ана шундай вақтларда бирор тушунмовчилик бўлиб қолса, албатта, онаси Зайнаб опа билан бамаслаҳат иш кўради. Ўзбекистон халқ артисти Зайнаб Садриева Ҳамза театрининг етакчи актрисаларидан ҳисобланади. Ўз ижод йўлида кўп тажрибага эга бўлган она қизини санъатни севишга, ардоқлашга ўргатди. Унинг меҳнати зое кетмади. Д. Ҳасанова бир қатор спектаклларда «Ганг дарёсининг қизи» да нафосатли, чуқур ва самимий севги эгаси Камола, «Бўрон қўши»даги ҳудбин Надя, «Қутлуғ қон» да тантиқ ва беҳаё Нури, «Ўтирланган умр»даги бахтсиз аёл Фусако, «Ой тутилган тунда»ги урф одат қурбони Шафақ каби ўттизга яқин ранг-баранг образларни яратди.

Кейинги йилларда Ҳамза театри Мирзо Улуғбек, «Бой аларҳизматчи», «Сарвқомат дилбарим» каби спектаклларни саҳналаштирди. Шу билан бирга Ғарбий Европа драматургияси намуналари театр репертуаридан алоҳида ўрин эгаллади. Яқинда саҳна юзини кўрган «Мария Стюарт» спектаклида Д. Ҳасанова Елизавета ролини ижро этди.

Ҳамза номли Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драма театрининг ёш артисти Дилбар Ҳасанова ҳам ишда изланишда, ўз устида тинмай меҳнат қилмоқда. Унинг келгусида халқ севган энг яхши санъаткорлардан бири бўлиб қолишига тилакдошмиз.

Адиба НОСИРОВА.

СОНЕТ

Сув бўйида турар қотиб субҳидам, —
Сув бўйида турар кўёв бир ўзи.
Ҳол-жонига қўймай сўрар дарё ҳам:
— Қандай туш у? Гапир, қандай сир ўзи?!
Дарё каби тўлғанаркан у гамда,
Титраб, бошдан кечмишини ўйлайди.
Ярасига туз сепгандай шу дамда,
Дарё ундан сўрашини қўймайди:
— Наҳот мендан сир тутасан тушингни,
Наҳот бу гал очиқ айтмоқ хуш эмас?!
Алам билан сўзлар йигит «туш»ини:
—Дўстим, бу кеч кўрганларим туш эмас.
Сув бўйида турар кўёв субҳидам,
Дарё бўлиб босиб-келар уни ғам.

Чўлпон ЭРГАШ

МАЪМУРАМ

Кўзларингда гўзал олам бор
Унга ҳамма қарор маҳлиё.
Кипригларинг ўқми ёки дор
Айт менн отмасин,
Айт менн осмасин.
Бир кунлик шуҳратга,
Оний ҳисга сотмасин.
У кўзларинг,
Сенинг кўзларинг,
Маъмурам.

Кўзларингга нақш этилган,
Ҳаётимнинг нақши.
Кимлар сенга бахш этган
Ушбу қарашни,
боқишни.
У кўзларинг.
Сенинг кўзларинг
Маъмурам.
Мен на рассом,
На бир оддий бастакор.
Менинг, Менинг дейман,
Тўғилганинг бу
диёр.
Сўзинг- ўзинг
Ва баҳор, Маъмурам,
Маъмурам...

Ихтиёр РИЗО.



Ака-укалар қувончи.
О. Наҳанов
фотоэтюди.

ХАНДАЛАР

— Ўртоқ Тошмаматов, нима учун сиз конспектингизда сўзларнинг орасини чўзиб ёзасиз? — сўради домла.

— Кечирасиз, домла, ахир ўзингиз лекция ўқиганингизда сўзларни чўзиб айтасиз-да!

* * *

Бир куни курсдошим Пардавай дарсда домладан сўради:

— Бородин асарини «Самарқанд осмонида юлдузлар» демай «Осмондаги юлдузлар» деб қўя қолса бўлмасмиди?

Ва яна ўзи жавоб қилди:

— Ахир юлдузлар ҳамма ерда ҳам бир хил-ку!?

* * *

— Мен билан таништирганингизга хурсандмисиз?—сўради проводник қиз йигитдан.

— Ниҳоятда хурсандман!

— Чинданми? — ноз қилди қиз.

— Эртага Москвага кетмоқчи эдим. Поездга ҳеч билет топа олмадим. Энди эса кўнглим тўқ, ўзингиз билетсиз бўлса ҳам олиб кетасизда! Ахир энди яқин танишмизку!

М. МИРСОВУРОВ.



Ана, Яккатерак қишлоғига қираверишдаги кичиккина сўқмоқдан бир кампир келяпти. Унинг бошида оқ чорси, эгнида эса қалин сурпдан тикилган камзул. Қўлида тухум солинган савати билан яна бир идиши ҳам бор. Кампир бу сўқмоқдан ҳафтада икки марта бозорга қатнайди. Бозор ўлгур ҳам яқин бўлса гўрга эди, роса бир соатлик йўл. Кампир учун эса икки соат... Бозордан қайтишда кампир бечораниng оёғи олти, қўли етти бўлиб қайтади. Зеҳн солган одам унинг нималарнидир пичирлаб, ким биландир гаплашиб келаётганини сезади.

...— Тухум уч сўм, қатиқ икки сўм, ёғ... Ёғ бугун обормадим шекилли, ҳаҳ эсим кўрсин! Ҳаммаси бўлиб неча сўм бўлади. Икки сўм, уч сўм... беш сўм. Келишига бир ой қолган бўлса, бир ойдаям анча нарса сотиб олинса бўлади. Пенсиям билан етиб ортади. Эй, худойим, ишқилиб бахтига соғгина бўлиб турай...

Кампир бозорга кирганида одам анча гавжумлашиб қолганди. Қўлидаги қопни чеккароқ ерга тушади-да устига ўтирди. Чорсисининг учи билан терлаб кетган пешонасини артди.

— Ассалому алайкум, хола!

Кампир чуқур нафас олиб саломга алик қилди.

— Тухум неча пул?

Кампир кулди.

— Мен шунчадан бер, деб айтмайман. Ўзинг инсоф билан олиб кетавер, болам. Иш қилиб, сен ҳам, мен ҳам барака топсак бўлгани...

Кампир пулни олиб чорсисининг учига тугди-да ўрнидан турди. Уйга келса, нариги маҳаллалик Робияхон кутиб ўтирган экан. Бир-бирининг елкасига қўл ташлашиб сўрашиб кетишди.

— Эсонмисиз, хола! Чарчамайгина юрибсизми? Қундузой яхши ўқиб юриптими?

— Худога шукур! Ҳаммаси яхши. Ўзинг эсон-омон юрибсанми? Нечук худо ярлақади? Робияхон кулди:

— Тўйга айтгани келувдим. Холамлар атайлаб юборишди. Эртага қизини узатишади. Шунга тўйга боваркансиз, ҳам сочига пилик солишга!

Робияхон кампирнинг розилигини олгач, хурсанд бўлиб чиқиб кетди.

...Қишлоқда шундай одат бор. Келин бўлаётган қизнинг сочига фариштали, обрўли кампирлар пилик солишади. Мана, неча йилларки бу иш шу Ғузвон кампир бажарарди. Қишлоқдагиларнинг таъбирича у фаришталик эмиш. Шунинг учун ҳам бирорта қиз тўйи бўлдими, энг аввал уни айтишади.

Кампир тўйни ўйлади-ю, ўзининг қизи ёдига тушди. «Унинг сочига ким пилик соларкин?» Ўзи солса уят бўлади. «Майли бошқа маҳалладан бўлсаям табаррук кампирлардан олиб келаман. Ўзимизнинг маҳалладаям бор-у, лекин ўланни яхши айтишолмайди. Бўлгандан кейин тузукроқ бўлсинда!.»

...Эри ўлгандан кейин кампир биргина қизига суяниб қолди. Юради, таради, ўқитди. Одамларнинг болаларидан кам қилмасликка тиришди. Қундуз мактабни олтинмедаль билан тугатди. Қизи ўқишга кирганидан она жуда ҳам хурсанд эди. Лекин уни бир нарса ташвишга солиб турарди. Ўттиз сўм пенсияси ҳам тирикчилигига, ҳам қизига етармикан? Бунинг ҳам йўлини топди. Бозордан ўттизта товуқ сотиб олди. Нечта тухум қилса ҳам ҳарна. Сигирнинг сутини ҳам энди ёғ, қатиқ қилиб сотади. Нима, бу уятми? Иш қилиб қизи одам бўлиб ўзини-ўзи кўтарса бўлдида! Мана, хадемай тўртинчи йили ҳам тугайди, яна бир йил ғайрат қилса бўлгани, ундан кейин қизи боқади. Иш қилиб куёви яхши бўлсин. Лекин нимага қизи қишлоқнинг олд йигитларига ҳам унамади экан? Балки ўқиш жойида улардан ҳам яхшироғи бордир! Она шуларни ўйлаб энтикиб кетди.

...Кутиш муддатлари чўзилиб кетяпти. Мана, ҳадемай иккинчи ҳафта ҳам тугайди. На хат бор, на хабар. Нимага келмади экан?

...Бир-икки кундан бери қишлоқда дув-дув гап: «Ғузвон холанинг қизи ўқиш жойида эрга текканмиш. Хотин қўйган одамга тегипди. Илгариги хотинидан иккита боласи ҳам бор экан. Шунинг учун ҳам онасига билдирмаганмиш. Вой худойимей шунақалардан асрасин! Туппа-тузук қиз эди-я!» Ёмон гап эшитилмасдан қоладими? Бу гапни она ҳам эшитди. Эшитди-ю, ўша ернинг ўзидаёқ сурат бўлақолди. «Наҳотки менинг қизим юзимга оёқ босса?! Менсиз турмушга чиқса... Йўқ, буларнинг ҳаммаси туҳмат. Менсиз турмушга чиқса... Йўқ, буларнинг ёлғонлигига ўзини қандай ишонтиришга ўзи ҳам ҳайрон эди. Қўшнисининг ўғли Обидни чақириб қизига хат ёздирди. Тилига нима келса шуни ёздирди. Қишлоқдаги миш-мишларин ҳаммаси-ҳаммасини...

То қизидан жавоб хати олгунча ҳеч ерга чиқмади. Хат келди. Кўздан тўкилган дуздув ёшлар хат устини бўяди. Шошганидан жийда шохига илинган чорсисига ҳам қарамасдан хат ўқитиш учун девор оша Обидни чақирди.

...«Салом онажоним! Хатингизни олдим, мен шундай бўлишини билардим. Лекин, мени кечиринг! Унутиб бўлмас гуноҳ қилдим. Чунки рози бўлмаслигингизни билардим. Онажон мен буларни қандай қилганимни тушунтириб беришга ожизман. Бўлар иш бўлди. Лекин ундан кўнглим тўқ. У мени жуда ҳам яхши кўради. Агар рози бўлсангиз сизни ҳам олиб келардик.

— Бўлди-и-и, ўқима Обиджон! — она нола билан кўксига уриб йиғлади. — Ўқима-а-а-...

...Одамзод ҳар нарсага кўникаркан. Она бошда «бир ҳафтага қолмай ўлсам керак» деб ўйлаганди. Йўқ, ўлмади. Аста-секин одамларга ҳам қўшила бошлади. Лекин одамлар энди унга аввалгидай муомала қилишмасди. Ҳамма унга ғалати назар билан қарарди. Лекин онада нима айб? У қизидан нималарни кутмаганди!! Афсуски буларнинг ҳаммаси сароб бўлиб чиқди. Қайси шайтон йўлдан оздира қолди экан?... Она ўйлаб ўйига етолмасди. Қарғай деса, биттагина кўзига суртган фарзанди. Қарғамай деса бу ишни қилиб ўтирган бўлса! Шунча бокди, тарбиялади, оқибатда... Энди на тўйга қўшила олади на азага.

Онанинг нурсиз кўзлари ёшланди. «Наҳотки гўримга ҳам ҳалоллаб қўйилмасам... Чиғоримни ёққани одамим бўлмаса!»

...Бугун онани тўйга айтишди. Ўша ғаплардан кейин биринчи айтилиши эди. Якка мохов бўлиб ўтиргандан ёмони йўқ. Кўнглининг бир томони хижил бўлиб турса ҳам кеч тушиши билан одамлар қатори йўлга тушди. Уни хотинларнинг бири тил учида, хушламай қаршилади. Ичкарига салом бериб кириши билан ҳамма ялт этиб унга қаради. Ҳам уятдан, ҳам қўрқувдан онанинг тизалари қалтираб кетди. Аёлларнинг бирортаси ҳам ўрнидан турмади. Она нима қилишини билмасдан чекароқ жойга тезгина ўтира қолди. Она бошда аёлларнинг суҳбатига қўшилолмай ўтирди. Гап Лутфинисанинг қизи Қумри устига келганда у ҳам суҳбатга аралашди.

— Лутфиниса, қизингни эрга бербсан, «Қутлуғ бўлсин»га ҳам боролмадим. Иш қилиб тўй яхши ўтдими?

Лутфиниса ғалати бир кибор билан она томон бурилди.

— Ходга мнинг қатла шукур!..

Кейин уни менсимагандай ёнидаги хотинга бошқа нарса ҳақида гапириб кетди. Она ортиқча ўйда ўтиролмади, юраги сиқилиб ташқарига чиқди. «Одамлар бунчалик ёмон бўлишмаса!! Ахир улар ҳам куйиб юрганини билишади. Ҳаҳ болам, шунчалик куйдирасанми онангни!? Ҳеч бўлмаса бир оғиз билдирганда ҳам майли эди. Ахир мен ҳам одам эдим, тош эмасдимку!!» Онанинг ўпкаси тўлди... Кўнгил қурсин, нималар қилишга ундамайди!

Шу вақт пилик тақишлари ёдига тушадими бўлмаса? Узини тутолмай қизлар ўтирган уйнинг деразасидан секин қаради. Бир тўп қизлардан бошқа ҳеч ким йўқ. Қизлар онани кўришди-ю, қий-чув кўтарилишиб у томон югуришди.

— Холажон, холажон, киринг! Улан айтиб беринг.

Онанинг кўзлари ёшланди.

— Йўқ, болаларим, энди ўлан айтолмайман...

— Йўқ, йўқ, кирасиз. Шоҳиданинг сочига пиликни ҳам сиз соласиз!

Улар онани ўз ҳолига қўймай судраб ичкарига олиб киришди. Қизларнинг овозига тўйбоши хотинлардан бири югуриб келди ва онани кўриб индамасдан орқасига бурилиб қайтиб кетди. Онанинг вужуди қулоққа айланди. Қизларга билдирмасдан ташқарига қулоқ солди. Бояги хотин қизнинг холасини етаклаб нималарнидир ўқдириб келарди.

—Унга «сен ўрасан» деб айтганмидиларингиз?

— Йўқ айланай, Мастура холага айтгандик.

— У кириб ўтирибди-ку!

— Мен билмайман айланай.

— Барибир ўрдирманг.

— Вой қандай қилиб ўрмоқчи деймиз?

— Қизиқсиз-а, Юлдузхоч, худо билади ичида нималар деб ўради. Ўзи қизига қўйиб юрипти-ю...

— Ўлдими?

— Э, сиз ҳали нима деб юрибсиз? — Қарғиши ўзига бўлсин-у...

— Бўлмаса ўзингиз айтинг.

— Мен айтмайманку-я, лекин Шоҳидани дугонаси билан нариги уйга олиб ўтамиз. Уша ерда Мастура хола пилик солади. У бўлса қизларга ўлан айтиб туради...

Онанинг бутун танаси зирқираб кетди. Ҳамма нарса қаршисида чирпирак бўлиб айлана бошлади. Чопиб уларга пешвоз чиқди.

— Йўқ, менинг ўзим чиқиб кетаман!

Унинг кўзлари ўзига номаълум бўлган аламли бир эҳтиросдан ёшланиб кетди.

...Эртаси куни одамлар уни этагида тўхум, қўлида қатиқ тўлдирилган челак билан учратишди. У йўлдаги ҳар бир дарахтнинг ёнига бориб дам кулиб, дам йиғлаб ёлворарди:

— Олақолинглар... Қизимнинг келишига бир ой қолди, у эрга текканн йўқ, келади! Унгача шуларни сотиб олишим керак. Ортиқ сўрамайман, инсоф билан олақолинглар...

Шаҳодат ИСАХОНОВА

ЁШЛИК СЎҚМОҚЛАРИ КИНО

Ёш ёзувчи Учқун Назаров бундан бир неча йил муқаддам ўзининг «Одамлар» ҳикояси асосида «Сурайё» бадиий фильмини яратиб кинорежиссёр сифатида ҳам танилган эди. Истеъдодли ёзувчи Улмас Умарбеков ва кинодраматург Юрий Аветиков ҳамкорликда ёзишган сценарий асосида Учқун Назаров «Йигит ва қиз» бадиий фильмини яратди. Фильм Иттифоқ экранига йўлланма олиб, кенг томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

«Йигит ва қиз» фильмининг фабуласи ниҳоятда мураккаб. У икки ёш йигит ва қизнинг дўстлиги, уларнинг қишлоқдан шаҳарга ўқишга кетишлари ва бу ердаги саргузаштларини ўз ичига олади. Фильм замирида ҳозирги ёш авлод тарбияси, ахлоқий поклик, инсоний гўзаллик, жисмоний ва ақлий баркамоллик билан боғлиқ бўлган чуқур мазмун ётади.

Картина воқеаларининг аста-секин, лекин ишончли лавҳалар орқали ривожлантирилиши томошабинни ўз домига торта бошлайди.

Тоғли қишлоқларнинг бирида уч дўст — Собир, Ҳикмат ва Зулфия-пар яшашади. Зулфия дўстлари орасида жиддийлиги, вазминлиги билан ажралиб туради. Унинг улкан орзуси бор: шаҳарга бориб ўқишга кирмоқчи ва ўқитувчи бўлмоқчи.

Зулфия билан Собир орасида оддий дўстликка ўхшамайдиган қандайдир муносабат ҳам бор. Собир доимо Зулфияга интилади. Тўғри, у ҳали қизни севиш-севмаслигини билмайди.

Собир билан Зулфия кўпинча қишлоқ чеккасидаги шалаги чиққан юк машинаси олдида учрашишади. Бу ерда соатлаб ўтиришади, энг яхши орзу-ўйлари билан ўртоқлашишади, ҳамдард бўлишади. Ана шундай учрашувларнинг бирида Собир қизга ўз севгисини изҳор қилмоқчи бўлади. Лекин бунга қизнинг акаси — Тешабой ҳалал беради. Уларни ҳоли жойда ўтиришганини кўрган Тешабой Собирни қаттиқ ҳақорат қилиб, уни калтаклайди. Собир қизнинг кўз ўнгида калтакланганидан, ҳақоратланганидан изтробда. Йигит ноқулай аҳволдан қутулиш йўлини қидиради. Йигит ва қиз шаҳарга кетишга қарор қилишади.

Собир дастлабки мустақил ижодий йўналишини қидиради. Йигит ва қиз шаҳарга кетишга қарор қилишади.

Собир дастлабки мустақил ижодий йўналишини қидиради. Шунда у тасодифан амакисининг таништирган учратиб қолади. У йигитнинг ҳолидан хабар топгач, Собирни қурилишга ишга жойлаб қўяди. Янги жойда йигит аламини ишдан олишга тиришиб, жонжаҳди билан ишлайди. Табиатан қинғирликни ёмон кўрувчи Собир қурилишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиман, деб бир талай ташвиш орттиради ўзига...

Зулфияни! Зулфиянинг ишларн беш. У шаҳарга келгач янги «таниш» орттиради. Равшан исмли йигит Зулфияга институтга кириб олишга кўмаклашади. Қиз билан Равшаннинг дўстлиги тобора чуқур илдиз отаборади. Лекин қизнинг кўнглидан Собир билан учрашиш, у билан ўзи орасидаги муносабатни аниқлаш фикри нарн кетмайди. Ва ниҳоят йигит ва қиз учрашишади. Фақат Собир аввалги Зулфияни танй олмайди. Қизнинг ташқи қиёфаси бутунлай ўзгариб кетган. Собир бундарга эътибор бермасликкка, қизга ишонишга ҳаракат қилади. Лекин бунинг уддасидан чиқолмайди. У. Бунинг устига Зулфия билан Равшан орасидаги «дўстлик» ошкор бўлиб қоладн. Айби ошкор бўлган қиз Собирга янада қаттиқроқ интилади. Қизнинг енгил табиатидан қаттиқ таъсирланган Собир у билан орани очиқ қилади..

Фильмнинг постановкачи режиссёри Учқун Назаров картинада қаҳрамонларнинг ички дунёсини, маънавий қиёфаларини очиб беришга интилади. «Йигит ва қиз» фильмида ҳаётда учрайдиган оддий сиймоларга бардош берролмаган Зулфиянинг фожиаси ишончли лавҳалар орқали акс эттирилган. Режиссёр воқеалар таъсирчанлигини ошириш йўлида лирик кечинмаларга кўп ўрин беради. Тешабойдан алам олмоқчи бўлган Собирнинг ўйлари, қизғин изланишлари, ҳаётий қарашлари, ҳаракатлари ҳаммаси ишончли ва мантиқий равишда ифодаланган.



СУРАТДА: фильмдан кадр.

Фильмнинг бош қаҳрамонлари — Зулфия ва Собир образлари асосан тўғри талқин этилган. Зулфия ролининг ижрочиси Сильвия Берова томошабинларга режиссёр С. Ростоцкийнинг «Бэла» фильми орқали таниш. «Йигит ва қиз» фильмида С. Берова катта ижрочилик маҳоратини кўрсата олган. Айни пайтда Зулфия (Берованинг) ташқи қиёфасида ва табиатида ўзбек қизларидан узоқ бўлган совуқлик сезиладн.


Собир ролининг ижрочиси Акмал Умарбеков эса кинода илк бор суратда тушди. Шунга қарамасдан у содда-самимий қишлоқ йигитн образини тўлақон қилиб ярата олдн. Қолган ролларнинг ижрочилари актерлар Х. Нурматов, Э. Назаров, Т. Азизов, М. Аҳмедов, М. Умархўжаев, С. Норбоева, М. Отамирзаев, Й. Аъзамовлар ҳам эсда қоладиган образлар яратишиб, фильмда бир бутун ягона актерлар ансамблини вужудга келтиришган.

Картинанинг муваффақиятли чиқишида бош оператор Л. Травицкийнинг ҳам ҳиссаси катта.

Фильм айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Баъзи ҳолларда эпизодлар орасида тўлиқ, мантиқий боғланиш йўқолиб кетади. Собирнинг қурилишдаги ҳатти-ҳаракатлари оддий трафаретдан нарига ўта олмаган. Тўғри, бу билан унинг софдил йигитлиги таъкидланади. Лекин у кўп асарларда учраб турадиган одмн ҳақиқат изловчига айланиб қолган.

Бундан қатъий назар фильм ижодкорлари ўз олдиларига қўйилган вазифани тўғри бажара олишган. «Ўзбекфильм» ижодкорлари яратган «Йигит ва қиз» бадиий фильми ёшларимизни тўғри тарбиялаш ишига ҳисса қўшиши, томошабинларга чинакам эстетик завқ бағишлашига ишончимиз комил.

Ш. МИРАЛИМОВ.



Татьяна ОЛЕЙНИКОВА.

ШАМОЛ

Эҳ, шамол, шамол!
Сен ҳам дунёда
Ёлғиз, бемалол
Яшолмайсан-а...
Шохларни эгиб,
Бериб оҳ-нола
Кўнглинг чоғ этиб,
Яна қувон-а!
Ва ҳайқирасан
Гўё шодсан, шўх!
Афсус, айтасан
Чапани қўшиқ...
Шунга мажбурсан!
Куйла, куйлайвер.
Олар сени ҳам
Оғушига ер.
Ер лаби-тоғлар
Ўркачида сен
Куйла пурвиқор,
Токи билишсин,
Эшитсин ҳамма:
Ўзинг борсанки —
Сўзлар-шеърдир,
ҳа...
Шеър эса севги!

Русчадан Отаёр
таржимаси.



Тонгни қаршилаб...
Ҳ. Шоумаров фотоэтюди...

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН



ҚАЕРДАСАН, ГЎЗАЛ ЁЗ?

Қаердасан гўзал ёз.
Деб бир кун Маҳмуд Ғиёс.
Езни излаб қолишди,
Далаларга боришди.
Кўзга кўринмасмиш ёз,
Ўйлаб қолишди бироз...
Юртимиз дала, боғи—
Эмасми ёз қучоғи?
Боғларда ҳар хил мева
Олма, нок сархил мева.
Полиз — катта дастурхон,
Қовуну — тарвуз ҳар ён
Бол шарбат коса — коса
Тил ёрар ширин роса.
Тўкин — сочин ҳар томон,
Пишиқчилик юрт бўстон,
Майса тўшакда ётиб
Узоқ хаёлга ботиб
Ўйлаб қарашса бундай,
Езни яшатган гулдай
Деҳқон, боғбонлар экан,
Қараган, чопган, эккан.,
Парвариишсиз, айтинг ёз,
Бўлармиди шундай соз?

Рауф ТОЛИПОВ,

Жаҳон ойнаси

Африка мамлакатларида

Совет лойиҳаси билан


КАМПАЛА. (ТАСС) Уганда тараққиёт миллий корпорацияси Лира шаҳрида ип йигириш фабрикаси қурилиши лойиҳасини маъқуллади. Бу лойиҳани совет мутахассислари тузиб берган эди. Йилига 3.600 тонна ип йигирадиган ана шу йирик корхона иқтисодий ҳамда техника ҳамкорлиги тўғрисида 1964 йилда тузилган битимга мувофиқ Совет Иттифоқининг техника ёрдами билан қурилади.

Фабрика трикотаж моллар учун керакли юқори сифатли калава тайёрлаб беради.

«Дўстлик— қонуний ҳодиса»

ҚОҲИРА. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси социалистик ёшлар ташкилоти марказий комитетининг бош секретари Муфид Шаҳоб қуйидагиларни айтди: Бирлашган Араб Республикасининг халқи империализмнинг кирдикорларига қарамай, социалистик жамият қуришга қатъий қарор бергандир. БАР халқи ўз зиммасига тушган барча синовларга бардош беради ва озодлиги ҳамда мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаберади. Муфид Шаҳоб Қоҳирадаги совет маданият марказида Миср революциясининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилган кечада нутқ сўзлаган эди.

Совет Иттифоқи билан дўстлик, деб таъкидлади М. Шаҳоб, кундалик ҳаётимиздан қонуний ҳодиса сифатида жой олди.



ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. СУРАТДА: тоғ кон саноати илмий текшириш институтининг нзотоплар лабораторияси.



ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Автомобиль саноати Польша экономикасининг янги тармоғи бўлиб, халқ хокимияти йилларида яхши ютуқларга эришди. Ҳозир Польша Халқ Республикасининг заводлари юк машиналари, автобуслар, санитария машиналари, автоприцеплар, автофургонлар ва ҳар хил маркадаги енгил автомобилларни ишлаб чиқармоқда.

СУРАТДА: Влчедаги (Вроцлава яқинидаги) автомобиль заводининг автобуслар йиғув цехи.

ЦАП—АПН фотоси.

УМУМАФРИКАДА БИРИНЧИ

Африка бирлиги Ташкилотининг қарорига мувофиқ 21 июлдан 1 августгача Жазоир Халқ Демократик Республикасининг пойтахтида биринчи Умумафрика маданият фестивали ўтказилади. Унинг программасига рақс ва музика ансамбллари, балет ва фольклор группаларининг чиқиши киритилган. Шунингдек, Африка фильмлари ҳафталигини, қитъа халқларининг нафис санъати ва «Африка маданияти, унинг озодлик, бирдамликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ва социал ривожланишдаги роли» деган темада симпозиум ўтказиш кўзда тутилади.

Ўттиздан ошиқ мамлакатдан делегациялар, келиши кутиляпти. Гвинеядан 150. Нигериядан 100, Судандан 80 киши келади. Фестиваль қатнашчиларининг умумий сони меҳмонларни ҳисобламаганда бир неча минг киши бўлади.

Шу нарса диққатга сазоворки, фестивалда ўз озодлиги учун мардонавор кўрашаётган халқларнинг вакиллари қатнашади. Улар ўзларининг жанговар ташкилотлари томонидан юборилади. Масалан, Намибия Ғарбий Жанубий Африка Халқ Ташкилоти (СВАПО) фестивалга ўз мамлакатининг анъанали рақс ансамблини юборади. Фестивалда овамбо ва гераро шунингдек Калахали бушменлари қабилаларининг ҳаётига бағишланган кўргазмалар очилади.

Зимбабве халқлари Африка Иттифоқи (ЗАПУ) симпозиум ўтказади. Унда ташкилот раҳбарлар Жанубий Родезия ирқчиларига қарши олиб борилаётган кураш ҳақида гапириб берадилар. Группа аъзолари томошабинларни мамлакатнинг ўзига хос маданияти билан таништирадилар.

Жанубий Африка Республикаси ақолисининг озодлик ҳаракати ташкилоти бўлган Африка миллий конгресси (АНК) ҳам ўз вакилларини Жазоирга йўлайди.

АНК раҳбарларидан бири бўлган Реша хоним мухбиримиз билан суҳбатда қўйидагиларни айтди:

— Биз фестивалга 25 вакил юборяпмиз. Улар фестивалнинг бадиий-артистлик қисмида ҳам, Африка маданияти бўйича ўтказиладиган симпозиумда ҳам халқимиз санъатининг вакиллари бўладилар. Ҳозир, — деб қайд қилди у, — қитъанинг барча халқларн ўз маданиятининг қайта тикланишидаги муҳим даврни бошидан кечирмоқда. Бу тикланиш Африканинг ўзига хослигини мустаҳкамлаш ва вужудга келтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мустамлакачилик Африка халқларини сунъий чегаралар билан бўлиб юборди, уларнинг маданий меросини оёқ ости қилди. Империализм узоқ йиллар давомида маданиятимизнинг ҳақиқий юзини онгли равишда бузиб келди.

Ҳозир Африка қитъаси сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун кураш майдонига айланди. Айни шу сабабли маданий анъаналаримизни ўзаро алмашув, Африка қитъасида бу соҳадаги янгиликлар билан таништирув шу курашда қатнашаётган биз африкаликлар учун муҳимдир.

— Ўзаро танишув ва маданий яқинлашиш Африка халқларининг ўз озодлиги учун курашнинг бутун соҳаларида янада мустаҳкамроқ ҳамкорлик ўрнатишга ёрдам беради. —деди хулоса қилиб Реша хоним.

Ю. ЗИНИН,
АПН мухбири.
Жазоир.

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРДАН ДАРАКЛАР

«Бахмал» из бўйлаб

БУДАПЕШТ. (АПН). Венгрия Халқ Республикасининг темир йўл транспортини қайта қуриш бош планининг ишлаб чиқиш тугалланди. Барча юкларнинг 80 процентн ташиладиган 3 минг километр узунликдаги темир йўл изи (республикада пўлат изли магистралларнинг умумий узунлиги 9 минг километр) тубдан қайта қурилади. 4 минг километр узунликдаги изни мустаҳкамламаслик қарор қилинди. Бу излардан кам юк ташиладиган учун (атиги бир процент юк ташилади) аста-секин фойдаланишдан чиқарилиб ташланади. Бу участкалардаги ҳаракат 1970 йилда яқин атрофдаги барча аҳоли яшайдиган пунктлар умумдавлат тош йўллар тармоғига қўшилгандан кейин батамом тўхтатилади.

Венгрияда ҳозирнинг ўзидаёқ паравозни камдан-кам учратасиз. Қайта қуриш планига мувофиқ 1970 йилда бу паравозлар тўла равишда тепловоз ва электровозлар билан алмаштирилади. Энг қизғин ишлаётган магистралларда темирбетон шпаллар ўстига уланмайдиган «бахмал» изларни ётқизиш иши бошланди.

Автомат «ўт ўчирувчилар»

СОФИЯ. (АПН — София-пресс). Лейпцигда бўладиган кузги кўргазмада Болгария саноатининг экспонатлари орасида ёнғинга қарши сигнал берадиган «ПУД-1» ускунаси томошабинлар эътиборини ўзига тортажак. Бу ускуна Плевендаги ядро асбобларн ишлаб чиқариш заводида тайёрланди.

«ПУД—1» ёнғин чиққан манбани алоҳида монлаштирилган камера ёрдамида аниқлайди. Бу ускуна шунчалик сезгирки, ҳатто сигарет тутинидан ҳам 10 секунд ўтмасданоқ таъсирлана бошлайди.

«Словнафт» ўсяпти

ПРАГА. (АПН — Прага пресс). Чехословакия саноати фойдаланаётган нефтнинг асосий қисми ер ости «Дўстлик» магистрали орқали Совет Иттифоқидан келади. Унинг деярли 60 процентн Братиславдаги «Словнафт» комбинатида қайтадан ишланади. Ҳозир корхона кенгайтирилмоқда. Бензин фракцияларини ишлаб чиқарш учун янги корхоналар юзага келтирилмоқда. Қурилиш ва монтаж ишларида совет мутахассислари қатнашяпти.

Кубанинг илмий штаби

ГАВАНА. (АПН мухбири). Республика Фанлар академиясига асос солинган кунга 7 йил тўлди. Унинг президенти капитан Антонио Нуньес Хеменес шундай ҳикоя қилади.

— Халқ революцияси галаба қилгунча Кубада амалда ҳеч қандай илмий иш олиб борилмасди. Ҳозир бизда фанлар Академияси — мамлакат илмий штаби ишлаб турибди. Унга 17 текшириш институти, бир неча марказ ва обсерватория кирган. 1000 га яқин олим ва 2500 бошқа ходимлар хизмат қилмоқда. Институтлар шакар қамишини етиштириш ва уни қайта ишлаш, геология ва фойдали қазилмалар, физика, атмосфера, гидро ва метереология соҳаларида текшириш ишлари олиб борадилар. Яқинда яна бир институт — ядро физикаси институти ишлай бошлади. Бу институт Совет Иттифоқи совға қилиб берган замонавий аппаратлар билан қуроллантирилган. Республика фанлар Академиясига бошқа социалистик мамлакатларнинг илмий марказлари ёрдам бермоқда. Гап илмий кадрлар тайёрлаш, аппарат ва асбоблар билан таъминлаш устида боряпти. Улар бизга мунтазам равишда мутахассислар юбориб турадилар. Бу мутахассислар институтлар ишини йўлга қўйишда қатнашмоқда.

Ҳозир биз илмий текшириш ишларининг перспектив планини ишлаб чиқяпмиз. Бу план республика халқ хўжалигининг конкрет талабларини ҳисобга олган ҳолда тузиляпти.

Мануэль Буэндиа.
Куба журналисти.

ОККУПАНТЛАР ҚУТУРМОҚДА

НИКОЗИЯ. (ТАСС). Бу ерда олинган маълумотларга кўра, Исроил маъмурлари Исроил босиб олган Ғаза шаҳри аҳолисидан тинчлик учун курашувчи араблардан уч кишини 3 ой муҳлат билан Синай ярим оролининг саҳро районларига сургун қилганлар. Булар 60 ёшдан ошган ва юраги хаста табиб Абдул Шафий, 60 ёшли юрист, 9 боланинг отаси Иброҳим Абу Сита ҳамда Файсал Ал-Ҳусайнлардир.

Ғаза ҳарбий губернатори бояги кишиларни, суд қилмаган ҳолда, сургун этиш тўғрисидаги буйруқни имзолади. Исроил коммунистик партиясининг органи «Зугадерех» газетасининг ёзишича, бу кишилар аҳолининг кенг табақалари вакиллари ҳамда шу йилнинг 15 июнь куни Ғаза секторида содир бўлган можаролар тафтиш этилишини талаб қилувчи арзномани оккупациячи маъмурларга топшириш ташаббусчилари бўлганлар. Арзномада, деб таъкидлайди газета, ўз кўзлари билан кўрган кишиларнинг далолат беришларича, Исроил солдатлари автомашинада шаҳар бўйлаб борар эканлар, эрмак қилиш мақсадида тинч йўловчиларга қўл гранаталари ташлаганликлари эзилган эди.

Ҳодиса

НОМАЪЛУМ КИШИ

Бу воқеа кундуз куни бўлиб ўтди. «Марказ-5» даги 61-бинонинг иккинчи қавати 14-хонасида тўсатдан бурқсиб тутун чиқа бошлади. Ҳовлида эса фақат ёш болалар ўйнаб юришар, қарнялар эса ўзаро гуруғлашиб ўтиришарди. Хонадон эгалари ишда. Тутун қуюқлашди-ю, бирдан дераза рамкалари ловуллаб ёна бошлади. Ҳамма ҳайратда қотиб қолган.

Шу пайт ўрта бўйли, ўттиз ёшлардаги бир киши чақконлик билан қоп-қора тутун ва оловга ҳам эътибор бермай, иккинчи қаватга биринчи қават балкони орқали кўтарилди.

Бет-қўли иссиқда қизариб, жиққа сув бўлиб кетган «номаълум киши» дарҳол уй ичига ўзини отди. Ў хоналарни зир айланиб, каравотларнинг тагларигача қараб чиқди. Ахир бундай пайтда ёш бола дарҳол каравот остига яширинади-ку! Номаълум киши ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, ёнаётган кўрпа-ёстиқ ва бошқа буюмларни деразадан пастга ирғита бошлади.

Сўнгра қўшни уй деразасидан узатилган шланг билан сув сепиб, ёнғинни ўчирди..

«Главташкентстрой»га қарашли «2-отдельстрой» қурилиш трестининг ишчиси Елена Даниловна Войцеховская ишдан келиб, бўлган воқеани кўрди-ю, ҳайрон бўлиб қолади..

«Қаердан ўт чиққан бўлиши мумкин» ўйлади у. Ҳайрият болалар уйда йўқ эди.. Бироқ, Е. Д. Войцеховская ўз жонини таҳликада қолдириб бўлса-да, оловни ўчирган киши, ким эканлигини билмайди. Лекин, у бу жасур кишига минг-минг раҳматлар айтади.

Э. ЎТАЕВ.



КУБА ПОЙТАХТИ ГАВАНА. С. Преображенский фотоси. (ТАСС).

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.



ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28|VII да Багри тош, 30|VII да Қайнона, 31|VII да Қайнона.

Кино

28 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Йигит ва қиз — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (кечқуруни), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кеч соат 8 да), «МОСКВА» (кеч 9-20 минутда).

Қор аёл ҳақида афсона — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кечқуруни), «МОСКВА» (кеч соат 7 да).

Доктор Абст тажрибаси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кечқуруни).

Бомбай тун оғушида — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 7 ярим ва 9 яримда).

Монпарнас, 19 — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кеч соат 9-45 минутда).

Оқ рояль — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (соат 5 да).

Жавоҳир қўл — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

29 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Йигит ва қиз — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА», НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқуруни), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 4 ва кеч 6 да), «МОСКВА» (эрталаб 11-40 минут, кундуз 3 ва кеч 9-20 минутда).

Қор аёл ҳақида афсона — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруни), «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 1-20, 5-20 минут ва кеч 7 да).

Доктор Абст тажрибаси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни).

Бомбай тун оғушида — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9 яримда).

Монпарнас, 19 — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 9-45 минутда).

РАДИО

28 ИЮЛЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,00 «Цехга янги ишчи келди» деган эшиттириш (русча). 18,10 О. Моралев. Лирик поэма. 19,20 Ўзбек халқ куйлари. 20,00 «Юность Ўзбекистана» радиостанциясининг программаси. 20,40 Ёшлар учун концерт. 21,00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). 21,10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22,30 «Янги ёзувлар». М. Бейжиев. «Юзма-юз» радиоспектаклининг премьераси (ўзбекча).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19,00 Куйлардан-куйларга. 19,30 Совет композиторлари балетларидан парчалар. 20,00 В. Каландаровнинг «Қумри» номли ҳикояси (тожикча). 20,20 «Рост мақомидан парчалар». 21,00 А. Қаҳҳор. «Асрор бобо» ҳикояси асосида радиоинсценировка (ўзбекча). 21,40 Москва.

29 ИЮЛЬ

СЕШАНБА

6,15 Тонгги концерт. 7,40 Танбур тароналари. 8,25 «Ўзбекистон — қўшиқларда» деган концерт. 9,30 Т. Эрматов. Симфоник оркестр учун поэма. 10,30 Ўзбекистон радиоси хорининг концерти. 11,15 «Буюк донишмандлар» циклидан эшиттириш (ўзбекча).

11,30 Фурқат ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 13,30 Н. Паганини ва П. Сарасате асарларидан концерт. 15,15 «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш (русча). 15,30 «Ҳаётга муҳаббат» радиокомпозицияси (ўзбекча). 16,10 «Музикали Тошкент» радиожурнали (ўзбекча). 16,50 «Правда» газетасининг сўзбоши.

18,00 «Ҳосил нишоналари» деган очерк (русча). 18,10 Ш. Сайфутдинов. «Зумрад» кинофильмидан симфоник сюита. 18,40 Спорт эшиттириши (ўзбекча). 19,20 Ўзбек операларидан парчалар. 20,00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20,40 Ёшлик қўшиқлари. 21,00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). 21,10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22,20 Шўх қўшиқлар. 22,40 Севимли ёзувчилар радионутубхонаси. «Мехти Гусейн. «Апшерон» романидан парча (ўзбекча). 23,15 Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8,25 СССР халқларининг куйлари. 9,15 Реклама ва эълонлар.

19,00 Ж. Аймуратов. «Ленин номли колхозда» поэмаси (ўзбекча). 19,30 Совет Армияси жангчилари учун концерт. 20,00 Далада ишлаётганлар учун концерт (тожикча). 20,30 Қорақалпоқ куйлари. 20,50 «Дўстлик метали». ГДРдан эшиттириш (русча). 21,00 «Дружба народов» журнали саҳифаларида (ўзбекча). 21,40 Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13,00 К. Чандр. «Мусаффо осмон» радиопостановкаси (ўзбекча). 14,30 У. Гажибеков. «Аршин мололон» музикали комедияси. 18,00 В. Маяковский. «В. И. Ленин» поэмаси асосида радиокомпозиция (русча).

ТЕЛЕВИЗОР

28 ИЮЛЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,30 Кўрсатувлар программаси. 18,35 Ўқувчилар учун. «Ёш техниклар лагерида» (ўзбек тилида).

Рус тилида: 18,55 Телевизион янгиликлар. 19,10 Совет Армияси жангчилари учун. «Окоп қўшиқлари». 19,35 М. Горький. «Матвей Кожемякиннинг ҳаёти». Телевизион бадиий фильмнинг биринчи серияси. 20,50 Кўрсатувлар программаси.

Узбек тилида: 20,55 Телевизион янгиликлар. 21,10 «Ноз-неъмат бунёдкори» программаси. 21,40 Телевизион театр. Камол Шариф. «ҲОЖИ АФАНДИ УЙЛАНАДИ». Телеспектакль премьераси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

«ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Узбек тилида: 18,00 Абитуриентлар учун кимёдан машғулот. 18,30 Абитуриентлар учун физикадан машғулот. 19,00 Абитуриентлар учун математикадан машғулот.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19,55 Кўрсатувлар программаси. 20,00 Янгиликлар. 20,15 Публицистик очерк. 21,00 «Пионерия» телевизион агентлиги. 21,30 Спорт янгиликлари 22,00 Зангори экран ҳафталиги. 22,15 Бутуниттифоқ телевизион фильмлари учинчи фестивали мукофотига сазовор бўлган фильмлар. «Қоронғилатилган дераза» (биринчи серияси). 23,30 «Вақт» информацион программаси. 00,15 Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18,00 Экран — болаларга. 18,30 Жонланган тарих. 19,00 Янгиликлар.

Тожик тилида: 19,15 «Ким бўлмоқ керак?» Репортаж. 19,50 «Жаҳон кўзгусида». Ҳужжатли фильм. 20,15 «Қонли тўй». Телеспектакль (рус тилида). 21,50 «Яна бир тилак». 22,10 Янгиликлар. 22,25 «ОНА ҚАЛБИ». В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланади.

29 ИЮЛЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

13,00 Янгиликлар. 13,15 «Пионерия»телевизион агентлиги. 14,00 Ўқувчилар учун. «Зарница» ўйинлари. 14,30 Ўқувчилар учун «Тўртғай». Музикали программа. 15,00 Владивосток телестудиясининг программаси. 16,00 Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18,30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18,35 Телевизион янгиликлар. 18,50 Болалар учун қўғирчоқ фильм. 19,00 М. Горький «Матвей Кожемякиннинг ҳаёти». Телевизион бадиий фильмнинг иккинчи серияси 20,15 Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Узбек тилида: 20,25 Телевизион янгиликлар. 20,40 Ўзбек трактори. 21,05 КИНОЛЕНИННОМА. «Ильич йўлланмаси билан». 21,35 Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бадиий ҳаваскорлари ижросида концерт. 22,15 «Ўмр бир марта берилади». Бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

18,00 Ўқишга марҳамат! (Ўзбек тилида).

РУС ТИЛИДА:

18,30 Абитуриентлар учун физикадан машғулот. 19,00 Абитуриентлар учун математикадан машғулот.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19,55 Кўрсатувлар программаси. 20,00 Янгиликлар. 20,15 «Чашма» Фольклор клуби. 21,00 Мактабгача ёшдаги ўқувчилар учун ҳайвонлар ҳақида эшиттириш. 21,30 Беш йиллик йўлларидан 22,00 «Вақт информацион программаси. 22,30 Футбол бўйича СССР кубоги учун ЦСКА—СКА (Ростов-Дон) командалари орасида ярим финал ўйинлари. Танаффус вақтида янгиликлар. 00,15 Москва кўрсатувларининг охири.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» 2-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИНИНГ ТОШКЕНТ «ПРОМЭНЕРГО» КОРХОНАСИГА

ҳамма разрядлаги кабелчилар, электр монтёрлар, қозон қурилмалари машинистлари ва уларнинг ёрдамчилари, контроль асбоблар слесарлари, секретарь-машинистка, инженер ва техник-теплотехниклар

КЕРАК

Елғиз кишилар ётоқхона билан оилалилар икки йиллик муддатда квартира билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-69, Чуқурсой, Металлистлар кўчаси, 100-уй (7-троллейбус, 56-автобуснинг сўнгги бекати).

«УЗКООПСТРОЙМОНТАЖ» ТРЕСТИГА

инженерлар: қурувчи, бетон ва темир бетон ишлаб чиқариш ҳамда конструкция бўйича, иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция бўйича;

бошлиқлар: молия ва шартнома бўлимига моддий-техника таъминоти конторасига: катта ревизорлар Фарғона қурилиш-монтаж бошқармасига **бош инженер; машинистка**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Жомий кўчаси, 5-уй (10, 43, 56-автобуслар, 7, 10-троллейбуслар ёки «Трактор йиғув заводи» бекати).

Иссиқлик тармоқлари ва «Чилонзор», «Висоновольт», Юнусобод, Қорақамиш районларида жойлашган қозон-бугхоналарда ишлаш учун

«ТАШТЕПЛОСЕТЬ» КОРХОНАСИГА

машинистлар, иссиқлик тармоқлари бўйича слесарлар, навбатчи электриклар ва слесарлар, газ-электр пайвандчилар, химиявий сув тозалаш аппаратчилари, шофёрлар, бетончилар, ёрдамчи ишчилар, теплотехниклар, электриклар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича инженер ва техниклар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, Муқимий кўчаси, 172-уй; «Високовольт массиви ва «Студентлар шаҳарчаси» даги қозон-бугхоналари ҳамда район иссиқлик тармоқлари идораси. Б. Хмельницкий кўчаси, 53-уй, Қорақамиш, 17-уй, 64-квартира.

Наманган область Поп районидаги Максим Горький номли 11-ўрта мактаб томонидан **Мадаев Олимжон Норматович** номига берилган 641356-сонли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

бекор қилинади.

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 28 ИЮЛЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат транспорт; қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579 НАШР 2809. Р. 14475.